

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Алимов Баходир Батирович¹

Annotatsiya: Ушбу илмий мақолада “яшил иқтисодиёт” атамасига жаҳон ва мамлакатимиз олимлари томонидан келтирилган таърифлар ёритилган. “Яшил иқтисодиёт” назарияси очиб берилган. “Яшил иқтисодиёт”ни Ўзбекистонда муҳимлилик ва долзарблигини охирги ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилган. Шу билан бирга “яшил иқтисодиёт”ни соҳа ва тармоқларга таъсири ва муҳимлиги кўрсатиб берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки “яшил иқтисодиёт” мамлакатимиз таълим тизимида кириб бориши ҳамда ривожланиши тенденциясини ошириб бориши келтирилган.

Kalit so'zlar : яшил, яшил иқтисодиёт, атроф-муҳит, ресурслар, яшил инвестиция, яшил макон.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори имзоланди. Унга кўра 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсад қилиб олинган .

2021 йил 30 майда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик - 2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқ сўзлади. Унда давлатимиз раҳбари: “Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик қўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштиради. Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ”, деб таъкидлади .

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг “Бизнесни бошқариш (МВА)” кафедраси PhD, доцент



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ-108-сонли “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан: Олий мактаб тузилмасида юридик шахс бўлмаган “Яшил иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш” лойиҳа офиси ва Бизнес инкубатор ва стартап лойиҳалар билан ишлаш маркази ташкил этилсин ҳамда “Яшил” технологияларни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш, илмий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада кадрлар малакасини оширишда етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаси қўйилган .

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Экологик муаммолар энди чекланган товар сифатида иқтисодга киритилган; Янги тенденция шаклланди ва фаол ривожланмоқда - “яшил иқтисодиёт”. “Яшил иқтисодиёт” - иқтисодиёт фанининг йўналиши бўлиб, унда иқтисодиёт ўзи мавжуд бўлган табиий муҳитнинг боғлиқ таркибий қисмидир ва унинг бир қисмидир; табиий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали жамият фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, яқуний фойдаланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш циклига қайтаришга қаратилган .

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилоти (БМТА) экспертлари “яшил” иқтисодиётни “одамлар фаровонлигини яхшилайдиган ва ижтимоий адолатни таъминлайдиган, шу билан бирга атроф-муҳит ва унинг камайиши хавфини сезиларли даражада камайтирадиган” иқтисодий фаолият сифатида кўришади .

Яшил инвестициялар – бу атроф-муҳитни асрашга йўналтирилган, янги асровчи технологияларни жорий этишни, яшил молиявий маҳсулотларни, муқобил энергетиканинг янги бозорларини ва яшил энергия турларини ривожлантиришни кўзда тутувчи лойиҳалар ва моделларни молиялаш манбаларидир .

Ўзбек олимларидан А.А. Исаджанов “Яшил иқтисодиёт” - бу эртанги кун иқтисодиёти ва айнан у XXI аср иқтисодий тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб, яшил иқтисодиёт назарияси қуйидаги учта аксиомага асосланади:

- чекланган маконда таъсир соҳасини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди;
- ресурслар чекланган шароитда узлуксиз ошиб бораётган эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш мумкин эмас;
- “Ер юзида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ”- деган фикрни таъкидлайди .

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференциясида: “Яшил иқтисодиёт” - бу қисқа муддатда узоқ муддатли ижтимоий манфаатларга интиладиган ва келажак авлодларни жиддий экологик хавфлар ва экологик дефицитларга дучор қилмасдан, инсон фаровонлигини яхшилаш ва тенгсизликларни камайитиришга олиб келадиган иқтисодиётдир .

Яшил иқтисодиёт коалициясида: “Яшил иқтисодиёт” - бу экологик чекловлар доирасида ҳамма учун яхшироқ ҳаёт сифатини таъминлайдиган барқарор иқтисодиётдир .

Халқаро савдо палатасида: “Яшил иқтисодиёт” - бу иқтисодий ўсиш ва экологик масъулият тараққиёт ва ижтимоий ривожланишни қўллаб-қувватлаган ҳолда бир-бирини ўзаро мустаҳкамлайдиган иқтисодиётдир .



Инсониятнинг бугунги турмуш тарзи, эришаётган ютуқлари минг йиллар давомида тўпланган ҳаётий тажриба натижасидир. Ақл ва меҳнат туфайли инсон буюк кашфиётлар қилди ва уларни кенг қўллаган ҳолда катта тараққиётга эришди. Бунга транспорт, самолётлар, кемалар, илғор технологиялар, алоқа воситалари, замонавий компютерлар ёрқин мисол бўла олади.

Вилоятимизда яшаб ўтган аجدодлар – Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбеклар томонидан Буюк ипак йўли чорраҳасида саноат ривожининг фундаментал асослари яратилган. 19-асрнинг ўрталаридан Европада саноат ривожлана бошлади. Йигирманчи асрнинг бошларида Америка энг юқори динамикага эришган ҳудудга айланди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорда 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсадга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастури 1-иловага мувофиқ: иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш; саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш; ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш; йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш; республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш; ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш .

Шу билан бирга “Яшил” ўсиш бўйича салоҳиятни ошириш ва инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб: кичик грантлар ажратиш орқали хусусий тижорат ва нотижорат ташкилотларда ўқитиш ва маслаҳат хизматларини кўрсатишни қўллаб-қувватлаш - хусусий тижорат ва нотижорат ташкилотлар учун “яшил” иқтисодиёт масалалари бўйича очик маърузалар, конференциялар ва семинарлар ўтказиш харажатларини қоплашга қаратилган кичик грантлар тақдим этиш кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли “2019 - 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган бўлиб, булар :



- технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган “яшил” мезонларни киритиш;
- давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;
- таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига “яшил” иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;
- “яшил” иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Дунё иқлим ўзгариши муаммолари билан курашар экан, барқарор келажак сари потенциал йўл сифатида яшил иқтисодиёт концепциясига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Яшил иқтисодиётга ўтиш кўплаб Барқарор ривожланиш мақсадларига – нафақат иқлим ўзгариши мақсадларига, балки иқтисодий ўсиш, тенглик ва фаровонлик мақсадларига ҳам эришиш учун зарур бўлган нарсадир. Ушбу мақола яшил иқтисодиёт нима эканлиги, нима учун муҳимлиги ва унга эришиш учун қандай қадамлар қўйиш мумкинлигини кўриб чиқади.

Об-ҳаво билан боғлиқ бизнесдаги узилишлар нархи 2021 йилда 233 миллиард долларга етди. Бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 0,24 фоизини ташкил қилади. Айни пайтда, ўтган йили экстремал об-ҳаво ҳодисалари, жумладан, Покистондаги сув тошқинлари, Шимолий Америкадаги бўронлар, Европа ва Ўрта ер денгизидаги ўрмон ёнғинлари бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларнинг тирикчилигини йўққа чиқарди. Бу ўзгаришлар бу йил глобал ялпи ички маҳсулотга катта таъсир кўрсатиши мумкин. ХВФнинг 2023 йил январ ойидаги Жаҳон иқтисодий прогнозига кўра, глобал иқтисодий ўсиш 2022 йилдаги 3,4 фоиздан 2023 йилда 2,9 фоизгача пасаяди, кейин эса 2024 йилда 3,1 фоизгача кўтарилади.

Яшил иқтисодиёт паст углеродли, ресурслардан тежамкор ва ижтимоий инклюзив сифатида тавсифланади. Яшил иқтисодиёт углерод чиқиндилари ва ифлосланишини камайтирадиган, энергия ва ресурслар самарадорлигини оширадиган ҳамда биологик хилма-хиллик ва экотизимларнинг йўқолишининг олдини олувчи иқтисодий фаолиятга, инфратузилма ва активларга давлат ва хусусий сармоя киритиш орқали бандлик ва даромад ўсишини таъминлайди.

Яшил иқтисодиёт барқарор ривожланиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш тамойилларига асосланади. У маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни атроф-муҳитга зарар этказмайдиган ва табиий ресурсларни камайтирмайдиган тарзда оширишга қаратилган. Бу ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ва самарадорликни ошириш, натижада истеъмолчилар учун харажатларни камайтириш ва жаҳон бозорида рақобатбардошликни оширишга ёрдам берадиган



иктисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин бўлган янги технологияларни ишлаб чиқиш ва экологик тоза амалиётларни ўзлаштиришни талаб қилади.

Яшил иқтисодиётнинг яна бир муҳим жиҳати ижтимоий ва экологик тенгликни оширишдир. Яшил иқтисодиётга ўтиш жамиятларга, айниқса, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит деградацияси таъсирига энг заиф бўлганларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, янги “яшил” иш ўринларини яратиш қашшоқлик ва тенгсизликни камайитиришга, экологик тоза технологияларни жорий этиш эса аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг кўплаб муқобил вариантлари мавжуд. Шу боис 2030-йилгача қайта тикланадиган, яъни экологик тоза энергия ишлаб чиқаришни 25 фоизга етказиш вазифаси қўйилгани бежиз эмас. Иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантиришда электр энергетикасининг муҳим аҳамияти эътиборга олиниб, соҳага кенг кўламли инвестициялар йўналтирилмоқда. Кейинги йилларда Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Туркия мутахассислари ёрдамида мавжуд иссиқлик электр станциялари реконструкция қилиниб, кам ёқилғи сарфлайдиган технологиялар ўрнатилди. Бунинг натижасида электр энергияси таннархини пасайитиришга эришилди. 2030 йилгача Навоий, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳар бири 100 МВт қувватга эга 25 та қуёш электр станциясини қуриш режалаштирилган.

Экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг яна бир усули шамол станцияларидир. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда шамол электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти 520 ГВтни ташкил қилади. Энг самарали вариант уч МВт қувватга эга шамол фермаси ҳисобланади. Бу ҳудудда яқинда Чорвоқ сув омбори ёнида илк шамол электр станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Навоий вилояти, Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида бундай станцияларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

2022-йил 2-декабрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини 2030-йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2030 йилгача “яшил” ўсишни таъминлаш дастури ишлаб чиқилган. Унда ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газларининг солиштирама чиқиндиларини 2010 йил даражасидан 35 фоизга камайитириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтгача ошириш ва электр энергияси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушини янада ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган. 30 фоиздан кўпроқ, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш, йилига 200 миллион туп кўчат экиш ҳисобига шаҳарларда яшил ҳудудларни 30 фоиздан ортиқ кенгайтириш ва жами кўчатлар сони миллиарддан ошади.

Мамлакатимизда аҳоли сони ҳар йили 450-500 минг кишига ошиб бормоқда. Бундай шароитда ер ва сувнинг чекланган захираларидан самарали фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Асосий мақсад - “яшил” ўсишни таъминлаш ва яқин келажакда “яшил” кимё, “яшил” ҳудуд, “яшил” транспортга ўтиш.

Экологияга нисбатан оқилона. “Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг асосий йўналишларидан бири ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш ва ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Мамлакатимизда йилдан-йилга аҳоли сони кўпайиб, экин майдонлари камайиб



бормоқда, бунинг натижасида юқори рентабелликга эга тармоқлар - мева-сабзавот, ёғли ўсимликлар етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жаҳон бозорида харидоргир озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва буларнинг барчаси пахта экинлари учун ажратилган ерларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилмоқда.

“Яшил” иқтисодиёт инсон эҳтиёжларини қондиришга, атроф-муҳит билан ўзаро таъсирни ҳисобга олишга, келажак авлодлар фаровонлигига устувор аҳамият беришга қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, “яшил” иқтисодиёт узоқ муддатли истиқболда инсон фаровонлигини оширишга олиб келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият тизимидир; келажак авлодлар муҳим экологик хавфларга ёки экологик танқисликка дучор бўлмайди.

“Яшил” иқтисодиётда йўналишлар тизими ажралиб туради:

1. Қайта тикланадиган энергия манбаларини (кейинги ўринларда РЕС деб юритилади) жорий этиш. Шунинг таъкидлаш керакки, экологларнинг фикрига кўра, сайёрамизда сезиларли даражада иқлим ўзгаришига йўл қўймаслик учун барча ёнғинчи фойдали қазилмаларнинг ярмидан кўпи ўрганилмаган бўлиши керак.

2. Чикиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳоли жон бошига кунига 1 кг дан 3 кг гача қаттиқ маиший чикиндилар ишлаб чиқарилади ва фақат АҚШда бу миқдор ҳар 10 йилда 10% га ошиб бормоқда. Россияда чикиндихоналар жами 2 минг квадрат метрдан ортиқ майдонни эгаллайди .

3. Сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ҳозир сайёрамизнинг ҳар олтинчи одами тоза ичимлик суви танқислигини бошдан кечирмоқда .

4. “Тоза” (барқарор, “яшил”) транспортни ривожлантириш. БМТА умумий ҳаракатчанликни бузмасдан, транспортга, айниқса шахсий транспорт воситаларига бўлган талабни камайтириш устида ишламоқда.

5. Қишлоқ хўжалигида органик деҳқончилик. Бу гербицидлар, пестицидлар, пестицидлар, шунингдек, сунъий келиб чиқадиган ўғитлардан фойдаланишни рад этишни ўз ичига олади. Органик деҳқончилик маҳсулотлари таркибида генетик модификацияланган организмлар мавжуд эмас, Е-ингредиентлардан фойдаланмасдан қайта ишланади ва табиий бўлмаган моддалар билан алоқа қилмасдан сақланади.

6. Уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлиги. Самарасиз иссиқлик изоляция қилувчи иншоотлар ва иссиқлик таъминоти тизимлари билан жиҳозланган турар-жой мажмуаларининг мавжудлиги сезиларли иссиқлик йўқотишларига олиб келади.

7. Экотизимларни сақлаш ва самарали бошқариш. Биосферадаги инсон фаолиятининг барча хилма-хиллиги ўзгаришларга олиб келади, уларнинг йўналиши ва даражаси одатда экологик инкироз деб аталади.

“Яшил” иқтисодиётнинг ушбу соҳалари қуйидаги тамойилларга мувофиқ ривожланмоқда:

- адолат (тенглик);
- ҳурмат (барча учун фаровонлик ва фаровонлик);



- эҳтиёт чоралари (сайёрадаги максимал юкларни ҳисобга олган ҳолда);
- иштирок этиш (қарор қабул қилишда);
- бошқарув (ҳисобдорлик);
- иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорлик;
- самарадорлик (барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол);
- авлодлар ўртасидаги алоқалар (келажакка инвестициялар).

“Яшил” иқтисодиёт оқибатлар билан эмас, балки экологик муаммоларнинг сабаблари билан ишлайдиган, ёндашувни, маҳсулотларни, энг муҳими, истеъмолчиларнинг хулқ-атворини тубдан ўзгартирувчи “яшил” технологияларга асосланади. Буларга қуйидагилар киради:

- энергия самарадорлиги ва муқобил энергия;
- қувватни бошқариш тизимлари;
- экологик транспорт;
- чиқиндиларни бошқариш, ҳаво ва сув эмиссияси.

Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Ер шари аҳолиси кўпайишда давом этапти, табиий ресурслар захираси эса муттасил равишда қисқармоқда. Бундай диспропорция дунё мамлакатларини танг аҳволга солиб қўяётгани бор гап. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашувини кузатаямиз. Экспертлар вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодиётида “яшил тараққиёт” тамойилларини жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган .

“Яшил тараққиёт”га эришиш учун “яшил иқтисодиёт”га ўтишимиз ва уни ривожлантиришимиз лозим бўлмоқда. Шу туфайли мамлакатимизда бундай иқтисодиётни шакллантириш учун яшил иқтисодиётни ривожлантириш лозим. Бугунги кунда “Яшил иқтисодиёт”нинг ўзи нима, деган савол туғилади. Бу борада жаҳон ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифларни ўрганиб чиқсак.

Яшил иқтисодиёт бу иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг экологияси ва уни сақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган. Шундай қилиб яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади .

Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

- аҳолининг эҳтиёжларини қондириб, уларнинг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш учун моддий неъматларни яратишни барқарор равишда экология ва атроф-муҳитга зарар етказмасдан кўпайтириб бориш лозим.
- ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун энергия ресурслари керак бўлади, буларни қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан кўпайтириш, жамоат транспортини ҳам электр қуввати билан юрадиганларига алмаштириш, энергияни тежайдиган биноларни барпо қилиш каби йўналишларда ишларни олиб бориш.



- атроф муҳитга зарарли газларни чиқармайдиган, атроф-муҳитни асрайдиган, экологик тоза технологияларни яратиш орқали экологик тоза маҳсулотларни етиштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.
- бир томондан, табиатдаги барча ресурслар чекланган бир пайтда инсон эҳтиёжлари чексизлигини инобатга олиб, уларнинг мувофиқлигини таъминлаш мақсадида неъматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни табиий ресурсларни камайтирмасдан амалга ошириш чораларини ҳам кўриш долзарб масалалар сирасига киради.
- аҳолининг доимий ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун қанча ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, кимга мўлжаллаб ишлаб чиқариш масаласига атроф-муҳитни асраган ҳолда катта аҳамият берилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Яшил иқтисодиётга ўтиш ва экологик муаммоларни тезроқ бартараф этиш учун энергия ресурслари, сув ва ердан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва чиқиндиларни қайта ишлашга сармоя киритиш, давлат-хусусий шериклик тамойилини мустаҳкамлаш зарур. Бу жараёнда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, билим ва дунёқарашини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

1. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ўнлаб йўналишларни ўз ичига олган мураккаб, кенг кўламли ва кўп тармоқли жараёндир. Буларнинг барчаси хориж тажрибасини кенг татбиқ этиш, инновацион ёндашувни жадал жорий этиш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни назарда тутади. Ўзбекистонда “Яшил иқтисодиёт ва экология” номли кенг салоҳиятга эга илмий-тадқиқот институти фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур институт олий ўқув юртларининг амалдаги экология кафедралари билан ҳамкорликда иш олиб бориши билан бир вақтда кенг кўламли экологик тарғиботни йўлга қўйиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ўқув семинар ташкил этилди. Шу билан бирга 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг магистратура босқичида “Яшил иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш” фанини ўқитиш режалаштирилди ва барча магистратура мутахассислигининг ўқув, ишчи ўқув режаларига киритилган.

2. “Яшил иқтисодиёт”ни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжуд. Жадал ўсиш ва капитал бозорининг “яшил иқтисодиёт”га йўналтирилганлиги ошиб бориши, углерод манбаларини молиялаштириш ва микромолиялаштириш каби бозор дастакларининг ривожланиб бораётгани ҳамда охириги йиллардаги иқтисодий пасайишга жавобан фондлар глобал “яшил” ривожланишга қаратилган “яшил” иқтисодий ислохотларни кенг миқёсли молиялаштириш имконини тақдим этишмоқда. Аммо ушбу оқимлар инвестицияга бўлган эҳтиёжлардан анча кам. шу сабабли яқин вақт ичида “яшил” иқтисодиётга ўтишни бошламоқчи бўлсак, ушбу оқимларни тез кенгайтириш лозим бўлади.

3. Глобал даражада яшил иқтисодиётга ўтиш катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этади. Халқаро энергетика агентлигининг 2050 йилгача CO₂ эмиссиясини икки бараварга камайтириш бўйича турли сценарийлари шунини кўрсатмоқдаки, ушбу мақсадга эришиш учун “яшил иқтисодиёт”га қўшимча инвестициялар миқдори дунё ЯИМнинг 1-2,5% даражасида



бўлиши талаб этилади. Аҳамиятлиси шундаки, мазкур инвестицияларнинг катта қисми қурилиш ва транспорт соҳасини “яшиллаштириш” учун йўналтирилиши керак бўлади.

Юксак тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш, иқтисодиёт тармоқларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш, экологик муаммоларни ижобий ҳал этиш нафақат бу борадаги давлат ва масъул шахслар, балки халқ билан биргаликда амалга ошириладиган муҳим вазифалардир. Демак, илгари суриладиган ташаббус ва мақсадлар барчамизни ташвишга солмоқда.

Бу жараёнда дахлдорлик туйғуси, масъулият ҳар биримизнинг кундалик фаолиятимизда онгли равишда намоён бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги ПҚ-108-сонли “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли “2019 - 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори
4. Alimov, B. (2019). Uzbekistan-EUROPE AND CENTRAL ASIA-P144856-Improving Pre-primary and General Secondary Education Project-Procurement Plan.
5. Alimov, B. B. (2021). THEORETICAL ISSUES OF BUSINESS PERFORMANCE ANALYSIS OF ENTITY. Архив научных исследований, 1(1).
6. ICC comments on the UNEP draft Green Economy Report - Режим доступа: <https://cdn.iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2011/05/ICC-comments-on-the-UNEP-draft-Green-Economy-Report.pdf>.
7. The green economy: trade and sustainable development implication - Режим доступа: http://unctad.org/en/docs/ditcted20102_en.pdf.
8. Егорова М. С. Экономические механизмы и условия перехода к зеленой экономике // Фундаментальные исследования. - 2014. - № 6-6. - С. 1262-1266.
9. Зеленая экономика : справ. док. / ЮНЕП. – URL : http://web.unep.org/greeneconomy/sites/unep.org/greeneconomy/files/ru_ge_employment.pdf (дата обращения: 21.01.2017).
10. Исаджанов А.А. “Яшил иқтисодиёт”: хусусиятлари ва ривожланиш омиллари. Иқтисодиёт ва таълим / 2020 № 1
11. Kholbaev PhD, B., & Alimov PhD, B. (2020). IMPORTANCE OF THE PLANNING TOOL IN PROJECT EFFICIENCY. International Finance and Accounting, 2020(5), 24.
12. Шохмансур, Ш., & Алимов, Б. (2019). Суғурта компаниялари инвесторлари манфаати позициясидан бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлил қилиш методи. Экономика и инновационные технологии, (4), 172-189.



13. Сайт Коалиции за Зеленую Экономику [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.greenecomomycoalition.org/>.
14. Корнилов А. М. Зарубежный опыт управления отходами // Вторичное сырье. – URL : <http://www.recyclers.ru/modules/section/item.php?itemid=56>
15. Кушнаренко А. Дефицит пресной воды: проблемы и способы решения // The WALL magazine. – URL: <http://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>
16. Tulkin, B., & Bakhodir, A. (2022). MONETARY POLICY IN THE CONDITIONS OF CORONAVIRUS PANDEMIC. CANADA SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION, 1(1), 4-9.
17. Умарова Н. - <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/9449/>
18. Пардаев М.К. - <https://zarnews.uz/post/yashil-iqtisodiyot-nima>
19. <https://zarnews.uz/post/yashil-iqtisodiyot-nima>
20. <https://qvant.uz/sah/news/yashil-moliya-kelazhakka-investitsiya>

